

ИНОЯТОВ Азизхўжа Хайруллоевич,
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус
ислом таълим муассасаси директори,
исломишунослик фанлари бўйича фалсафа
доктори PhD
azizxoja.inoyatzoda@mail.ru

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ТАФСИР ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

ВКЛАД ИМАМА БУХАРИ В РАЗВИТИЕ НАУКИ ТАФСИР

THE CONTRIBUTION OF IMAMA BUHARI TO THE DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF TAFSIR

Аннотация: Имом Бухорий нафақат муҳаддис, балки муфассир сифатида ҳам фаолият олиб борган. Олимнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари нақлий тафсирлар шаклланиши ва ривожига алоҳида ўрин тутган. Зеро, ушбу асарда Қуръон оятлари шарҳларига бағишланган алоҳида бўлим, яъни “Китоб ат-тафсир” деб катта қисм ажратганининг ўзи далолат қилади. Асарда келтирилган Қуръон оятлари тафсири, суралар фазили, оятларнинг сабаби нузули, оятларнинг ўзаро муносабат илми, уларни саҳиҳ ҳадислар билан изоҳлашга оид ривоятлар таҳлилидан келиб чиқиб, ушбу асарни “тафсир бил-маъсур” нақлий тафсирга оид илк манбалардан бири сифатида қайд этиши мумкин.

Таянч иборалар: Имом Бухорий, “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, тафсир, оят, шарҳ, манба, Қуръон, ҳадис, тўплам, илмий мерос, муҳаддис, муфассир.

Аннотация: Имам Бухари является не только мухаддисом, но и муфассиром, то есть комментатором Корана. Его труд «аль-Джаме' ас-сахих» занимал особое место в становлении и развитии науки тафсир. Об этом свидетельствует тот факт, что в данном труде есть отдельный раздел, посвященный толкованиям аятов Корана, то есть большой раздел под названием «Китаб ат-тафсир». На основе анализа толкования аятов Корана, достоинства сур, причины ниспослания аятов, науки о связи аятов и анализа хадисов, связанных с их толкованием, это произведение можно отметить как один из первых источников повествовательной интерпретации «тафсир бил-масур».

Опорные слова: Имам Бухари, «аль-Джаме' ас-сахих», тафсир, аят, комментарий, источник,

Коран, хадис, сборник, научное наследие, мухаддис, муфассир.

Annotation: Imam Bukhari is not only a muhaddis, but also a mufassir, that is, a commentator on the Koran. His work “al-Jame' as-sahih” occupied a special place in the formation and development of the science of tafsir. This is evidenced by the fact that in this work there is a separate section devoted to the interpretation of the verses of the Qur'an, that is, a large section called “Kitab at-tafsir”. Based on the analysis of the interpretation of the verses of the Qur'an, the dignity of the suras, the reasons for sending down the verses, the science of the connection of the verses and the analysis of the hadiths related to their interpretation, this work can be noted as one of the first sources of the narrative interpretation of “tafsir bil-masur”.

Key words: Imam Bukhari, “al-Jame' as-sahih”, tafsir, ayat, commentary, source, Koran, hadith, collection, scientific heritage, muhaddis, mufassir.

КИРИШ

Мовароуннаҳр олимларининг маънавий-маърифий меросини ўрганиш, хусусан, ислом таълимоти асосларидан ҳисобланган ҳадисларни жамлаб, улар орасидан ишончлиларини ажратиб берган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Доримий каби муҳаддислар ҳаёти ҳамда асарларини тадқиқ этиш доим изланишлар объекти бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам дунёнинг қатор илмий марказларида тарихий манбалар, нарратив асарлар асосида ислом тарихи ва манбаларини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Зеро, саҳиҳ ҳадис тўпламларини тадқиқ этиш замонавий ахборотлашган жамиятда кишилар онги учун олиб борилаётган кескин кураш жараёнида Қуръондан тўғридан-тўғри ҳукм олиш, оятларни тафсир қилишда мавжуд қонун-қоидаларни инкор этиш каби нотўғри ёндашувларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Ислом оламида тан олиган энг ишончли ҳадислар тўплами муаллифи Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (الجامع الصحيح) асари ва ундаги “Тафсир китоби” (كتاب التفسير) фасли, фаслда келтирилган тафсирга оид ҳадисларни ўрганиш, оятларни шарҳлашда муҳаддиснинг ёндашув ва услубларини таҳлил этиш бугуннинг долзарб вазифалардан саналади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Бухорий нафақат муҳаддис, балки муфассир сифатида ҳам фаолият олиб борган. Олимнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари нақлий тафсирлар шаклланиши ва ривожда алоҳида ўрин тутган. Зеро, ушбу асарда Қуръон оятлари шарҳларига бағишланган алоҳида бўлим, яъни “Китоб ат-тафсир” деб катта қисм ажратганининг ўзи далолат қилади. Имом Бухорий муфассир сифатида ҳадис тўплами таркибига махсус “тафсир китоби”ни қўшгани ҳамда баъзи ўринларда филологик изоҳлар қолдиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

Қуръон оятларининг Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобийлар сўзлари билан тафсир қилиниши ривоят тафсири ёхуд нақлий тафсир деб юритилади. Тафсир илмида “ат-тафсир бил-маъсур” (التفسير بالمأثور), яъни нақлий тафсир деб айтилади. Бу турдаги тафсирда бирор оятнинг маъносини бошқа оят ёки Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари билан, саҳобий ёки тобейидан нақл қилинган сўз билан баён этиш тушунилади.

Нақлий тафсирнинг вужудга келиш даври икки босқичдан иборат. Биринчиси, ривоят даври бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) томонидан саҳобийларга Қуръоннинг баъзи оятлари маъносидаги мажхуллик очиб берилган. Уни саҳобийлар зехнларида сақлаб, оғзаки тарзда бир-бирларига, кейинчалик тобейиларга етказганлар. Ўз навбатида Қуръоннинг баъзи оятлари маъносини саҳобийлар ҳам Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)дан эшитганларига қўшимча эҳтиёжга мувофиқ ижтиҳод қилиб тафсир қилганлар. Тобейилар ҳам ўз даврларида оятлардаги баъзи махфийликни Пайғамбар (с.а.в.)дан ва саҳобийлардан қилинган ривоятлар устига ўзлари ҳам ижтиҳод ва раъй билан халққа тушунтирганлар. Тафсирдаги шундай ўзгариш ва кенгайиш тобейилардан кейинги авлод – табаъа тобейиларнинг даврида ҳам давом этди. Иккинчиси, тадвин давридир. Бу даврда биринчи бўлиб тафсири маъсур – ривоятлар асосидаги тафсир ёзилди.

Имом Бухорийнинг илк устози сифатида Муҳаммад ибн Салом Пойкандий (ваф. 225/839) ҳамда Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муснадий (ваф. 229/843) тилга олиниб, улардан Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муснадий тафсирга оид кўплаб хабарлар келтирган [1; 448].

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муснадий ҳадис ривояти билан машҳур бўлган муҳаддислардан бўлиб, муснад ҳадисларни кўп ривоят қилгани учун “Муснадий” деб аталган. Муҳаммад ибн Салом Пойкандий билан бирга Мовароуннаҳр шайхларидан ҳисобланиб, имом, хофий ва мужаввид унвонларига сазовор бўлган. Ҳадис талабида сафар уюштириб, Суфён ибн Уяйна, Марвон ибн Муовия, Исҳоқ Азрақ, Фузайл ибн Иёз, Абдуллоҳ ибн Нумайр, Абдураззоқ ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган. Муснадийдан Имом Бухорий, Заҳлий, Абу Зуръа Розий, Убайдуллоҳ ибн Восил, факих Муҳаммад ибн Нусайр ва Мовароуннаҳрнинг кўп муҳаддислари ҳадис ривоят қилганлар. Жарҳ ва таъдил имомлари наздида “содук” ҳисобланган. Ҳоким унинг ўз асрининг Мовароуннаҳрдаги “Имом ул-ҳадис”и экани ҳамда Имом Бухорийнинг устози бўлганини қайд этади. Заҳабий эса Имом Бухорийнинг бобоси Муғийра ибн Бардабех Муснадийнинг бобоси Ямон Жўфийнинг қўлида мусулмон бўлганини таъкидлайди [2; 162].

Имом Бухорий Балхга қилган сафари давомида Маккий ибн Иброҳим, Яҳё ибн Бишр, Муҳаммад ибн Абон ҳамда Ҳасан ибн Шужоъ ва бошқалардан ҳадис эшитган.

Ҳадис ва тафсир илмлари билан шуғулланган олимлар қаторидан жой олган Имом Бухорийнинг мустақил тафсири бўлгани ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Ҳожи Халифа Имом Бухорийнинг машҳур шогирдларидан бири Абу Абдуллоҳ Фирабрий (ваф. 320/932)нинг маълумотига таянган ҳолда Имом Бухорийнинг ҳадис илмига оид асарларидан ташқари мустақил тафсири бўлгани ҳақидаги маълумотни ўз асарида келтириб ўтади [4; 443]. Шунингдек, Имом Бухорийнинг “Холку афъал ул-ибад” асарини таҳқиқ қилиб, нашр эттирган Доктор Абдурахмон Умайра ҳам Имом Бухорийнинг “ат-Тафсир ал-кабир” номли асари мавжудлиги ва ҳозирда Жазоир Миллий кутубхонаси ҳамда Парижда ушбу асарнинг икки нусхаси сақланаётгани ҳақида маълумот бериб ўтган [5; 23]. Аввал қайд этиб ўтилганидек, турли тафсир мактабларига мансуб муфассирлар қаторида бир муҳаддис сифатида Имом Бухорийнинг ҳам мустақил тафсир ёзиши табиий ҳол.

Олимнинг тафсир илмидаги ўрни ҳақида гап кетганда, Имом Бухорийнинг ривоятларни тафсир қилиш йўналиши энг муҳим жиҳати бўлиб, мусаннаф илк бора ҳадислар тўплами ичида “Китаб ат-Тафсир” сарлавҳаси остида Қуръон оятларига оид шарҳларга жой ажратиши билан катта аҳамият касб этади.

Имом Бухорийнинг тафсир билан боғлиқ қарашлари олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Уммул Қуро университети битирувчиси Ҳамд ал-Имом ибн Хатарий «Манҳажул Имом Бухорий фи-т-тафсир мин хилал китобиҳи-с-Саҳиҳ» («Имом Бухорийнинг Саҳиҳ китобидаги тафсир бўйича ёндашуви») ва Бағдоддаги Ислон университети магистри Муҳаммад Ҳамд Ивод ал-Ҳошимийнинг «Манҳажул Имом Бухорий ат-тафсирий фи саҳиҳиҳи» («Имом Бухорийнинг Саҳиҳ китобидаги тафсир услуби»)да Имом Бухорийнинг тафсирга оид қарашлари ўрганилган.

Буюк муҳаддислардан ҳисобланган Имом Бухорий «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»да тафсирга оид ҳадисларни ҳам жамлаган. Жумладан, алоҳида тафсирга бағишлаган “Китоб ат-Тафсир” бўлимида, “Фотиҳа” сурасини тафсир қилиб, унда Абу Саид ибн Муаллодан ривоят қилинган Қуръоннинг энг улуғ сураси Фотиҳа экани тўғрисидаги ҳадисни келтирилади.

Имом Бухорийнинг тафсир бўлимида бошқа ҳадис мусаннифларидан фарқли равишда тафсир имконларини кенгайтиришга ҳаракат қилган. У “Китоб ат-тафсир”нинг боб мавзуларида тафсирга оид маълумотларни берган. Бошқа томондан, ҳам асарнинг ҳаммасида, ҳам тегишли бўлимда ҳадисларни ўз фикрини баён қиладиган бир шаклда танлаши ва тартиблаши ҳам, унинг бошқа ҳадис асарларидаги тафсирга оид бўлимларидан кўра фарқли бир жиҳати бор эканлигини кўрсатади дейиш мумкин. Имом Бухорийнинг ўз асарида ажратган тафсир бўлими бу турдаги ишларнинг илк намунаси бўлишига қарамадан турдошлари орасида тафсир мавзуси бўйича юқори бир савияда эканлиги сабабли унинг тафсир анъанасидан кўпроқ истифода қилганлигини айтиш мумкин бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) билан Қуръон тафсирига оид ўзига хос бир фаолият соҳаси юзага келган. Саҳобалардан нақл қилинган

тафсир ривоятларининг кўп қисми, тахминан 80 фоизига яқини айнан Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) дан келган бўлиб, олимлар буни саҳобийнинг бошқаларга қараганда бироз ёшлиги ва Қуръони каримни ўрганишга бўлган иштиёқи баландлиги ҳамда тиришқоқлиги билан изоҳлайдилар. Мана шу даврда тафсир Мусҳаф устида олиб борилган бир ҳаракат бўлиши жиҳатидан алоҳида илм соҳаси бўлиб шакллана бошлаган [7;306]. Бу илм соҳасининг асосий манбаси ҳам “тафсир ривоятлари”дир. Чунки илк давр манбаларида оятлар тафсирига оид ривоятларни жамлаб, нақлнинг биринчи ўринга қўйилганини кўриш мумкин.

Абдураззоқ ибн Ҳаммом “Тафсир”ида оятларнинг барчаси ҳам таҳлил қилинмаган ва тафсир қилинган оятлар бўйича энг кўпи билан бир-иккита ривоят нақл қилса ҳам, изоҳларини бутунлай тафсир ривоятлари билан асослаган. Муфассир олим Табарий ҳар бир оятнинг тафсирида тафсир мақсадида ворид бўлмаган ривоятларга кам эътибор берган. Балки у оятларга тегишли бўлган бир хил матнга ёки мазмунга эга бўлган марфуъ, мавкуф ва мактуъ ривоятларнинг барчасини келтирган [8;95]. Масалан, Нур сурасининг 2-ояти тафсирида мазкур ҳолатнинг амалий ифодасини кўриш мумкин. “تَفَيَّأْتُ” сўзининг изоҳига доир мавкуф ва мактуъ тафсир ривоятларини келтириб ўтган. Ибн Абу Ҳотим эса, иложи борица марфуъ ривоят бор бўлса мавкуфни, мавкуф бўлган жойда мактуъни зикр қилмаслик каби бир услубда баён қилган. У тафсирни тафсир ривоятлари билан чеклаш масаласида қатъий ёндашиб, бошқа масалалар ҳақида ворид бўлган ҳадисларни жуда кам ривоят қилган.

Кейинги даврлардаги тафсир анъанасининг бир ички масаласи сифатида юзага келган тафсирда раъйга таянишнинг машруълиги борасида шубҳасиз аҳли раъй – аҳли ҳадис орасида бўлиб турган мунозаранинг катта таъсири бор эканлигини айтиш мумкин. Тафсирнинг фақат Расулulloҳ (с.а.в.), саҳоба ва ҳатто тобейидан келган нақлларга таяниши лозимлиги ҳақидаги фикрнинг раъй тафсирига қарши бир позиция эканлиги ойдек равшан. Тафсирни, нисбатан кейинроқ даврларда вужудга келган “тафсир ривоятлари”ни нақл қилиш билан амалга ошиши мумкинлигини илгари сурадиган қараш, оятларнинг бошқа

оятлар билан изоҳланиши масаласига ҳам ушбу тамойил асосида ёндашилган ва нақлий тафсир доирасида ўрганилган. Ваҳоланки, Қуръонни Қуръон билан тафсир қилишнинг ўзи бир дирият фаолияти бўлган. “Тафсири Табарий”нинг муқаддимасида тафсир қилиш усуллари ҳақида сўз борар экан Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш ҳақидаги фикрлари эътиборлидир. Имом Табарий биринчи навбатда Пайғамбар (с.а.в.)нинг нақлларига асосланиш кераклигини таъкидлайди, араб тили нуқтаи-назаридан ҳам ўзига хос жиҳатларни тушуниш мумкигини қайд этиб ўтган [8;75]. Бу эса оятларни далил келтиришнинг ўзи ижтиҳоднинг бир қўриниши эканлиги билан асосланиши мумкин. Шунингдек, тафсир мақсадида ворид бўлмаган ҳадисларни оятларни изоҳлашда ишлатиш ҳам нақлий тафсирдан фарқли деб ҳисобланган. Тафсир ривоятларининг шакл ва мазмуни бошқа ривоятлардан ажралиб тургани инкор этилмайди. Шу билан бирга, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг барча сўз ва феълларига тафсир ривояти деган баҳони беришга мойиллар ҳам бўлган.

Ҳижрий иккинчи асрнинг кириб келиши билан диний ҳукмларни аниқлашда раъй ва нақлнинг ўрни борасида қарашларнинг қарама-қаршилиги кўзга қўрина бошлаган ва кўп ўтмасдан улар методик жиҳатдан асослантирилган. Илк даврларда ҳадис соҳасида ва бошқа исломий илмлардаги ривожланишларнинг ҳамда бу билан боғлиқ равишда юзага келаётган илмий асарларнинг бу интеллектуал баҳслардан узоқ бўла олмаслиги аниқ эди. Ҳадисларни таснифлаш илк даврда табиий бир эҳтиёж асосида шаклланган бўлса ҳам, асосан, учинчи асрга келиб раъй ва ҳадис тортишувлари доирасида тизимли бир ҳаракатга айланган. Бунда Имом Шофеъийнинг ривоятларни тушуниш ва изоҳлашга оид ўртага ташлаган методологик қарашларининг таъсири катта.

Тобейлар ва табаъа тобейлар даврида фикҳ ва ҳадис илми билан бир қаторда тафсир илми ҳам қисман бўлса-да, алоҳида ривожланган. Жумладан, тобейлар давридаги тафсир илмининг “Макка”, “Мадина” ва “Басра” мактаблари мавжудлиги бунинг исботидир. Илк муфассирлар сифатида Муқотил ибн Сулаймон (ваф. 767), Аллома Аҳфаш (ваф. 793), Абу Убайда (ваф. 825) ва Қосим ибн Сулаймон (ваф. 837) тафсирлари энг машҳур

тафсир бил-маъсурлар сирасига киради. Шунингдек, буларга қўшимча равишда 1964 йилда Мисрнинг “Дору-л-кутуб ал-Мисрия” кутубхонасидан топилган Имом Мужоҳид (ваф. 721) тафсири ва Ҳиндистондан топилган 1965 йилда Рампурда илк нашри амалга оширилган Суфён Саврий (ваф. 778) тафсирларини ҳам мазкур асарлар қаторига қўшиш мумкин [10;16]. Лекин бу даврда ёзилган тафсир алоҳида китоб бўлмасдан, балки ҳадислар тўпламларининг бир боби сифатида ёзилган. Ана шундай ҳадис тўпламлари сирасига Имом Бухорий (810-870)нинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарини ҳам киритиш мумкин.

Имом Бухорийдан олдин ёзилган ҳадис китобларида тафсир номи остида ажратилган мустақил бўлим учрамайди. Адан 45 йил олдин вафот этган Абдураззоқ ибн Ҳаммом (ваф. 211/826)нинг “ал-Мусаннаф” асарида ҳам бундай бўлим учрамайди [11;78]. Шунингдек, Имом Бухорий билан замондош бўлган Имом Доримийнинг “Сунан” асарида ҳам тафсирга бағишланган махсус бўлим ажратилмай, “Қуръон фазилятлари” китоби билан чекланилган [12;274]. Аммо Имом Бухорийдан кейин ёзилган Имом Муслим (ваф. 260/874) ва Имом Термизий (ваф. 279/892)нинг ҳадис тўпламларида тафсир бўлимини учратиш мумкин. Бундан маълум бўладики, ҳадис тўпламларига илк бора тафсир Имом Бухорий томонидан олиб қилинган.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг “Китаб ат-тафсир” бўлимида маълум оятлар боб сарлавҳалари сифатида ёзилган бўлиб, ортидан оятлар билан боғлиқ ҳадислар келтирилган. Шунингдек, “Китаб ат-тафсир”дан бошқа баъзи китоблар номи ҳам маълум бир оятлар билан номланган. Шу шаклда якунланган боблар тафсир китобини ташкил этади.

Имом Бухорийнинг тарожимга оид боблар сонини тадқиқ қилган Кирмоний ва бошқа олимлар изоҳларни 3450-ҳадисдан – 3882-ҳадислар оралиғида эканини айтганлар.

Имом Бухорийнинг ишончли ҳадислар тўпламидаги тафсирга алоқадор боб изоҳларини ўрганиб чиқиш натижасида уларнинг сони 1129 тани ташкил этгани аниқланди. Бундан қўриниб турибдики, асарнинг учдан бири тафсирга бағишланган. Шу билан бир қаторда, оятлар билан бошланувчи китоблар сони эса 18 тани

ташқил этади. Тафсир китобидан ташқари изоҳлар бошқа бўлимларда 613 ўринда оятлар изоҳланган, тафсир китобида эса булар 516 тани ташқил этади.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг ушбу хусусияти Имом Бухорийнинг тафсир билмаъсур йўналишидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатмоқда. Шунингдек, бир муҳаддис сифатида олимнинг ҳадис тўпламининг ичига тафсирини қўшгани ҳамда баъзи ўринларда филологик изоҳ қолдиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Насой каби муҳаддислар илмий фаолиятида Расулulloҳ (с.а.в.)нинг бутун ҳаётлари Қуръон тафсиридан иборат, деган қараш устувор бўлган. Зеро, муҳаддисларнинг бу қарашлари асосидаги амалий ҳаракатлари натижасида бевосита ёки билвосита Пайгамбар (с.а.в.) ҳаётлари билан боғлиқ ривоятлар жамланди ва улар орасидан Қуръон тафсирига оид махсус бўлим ажратилди.

Муҳаддисларнинг тафсирга оид ривоятларининг чекланган миқдорда нақл қилишлари, кўп ҳолларда тафсир мақсадида ворид бўлмаган хабарларни оятлар билан боғламаганликлари учинчи асрдаги ҳадисларни ривоятига қўйилган талабларнинг дақиқ бўлгани билан изоҳланади. Чунки, муҳаддислар ҳадис ровийларининг сифатлари, ахлоқларига катта эътибор қаратиб, бу талабларига етарли даражада жавоб бермаган ровийдан ҳадис қабул қилмаганлар. Бундан ташқари сифати мажхул, насаби номаълум, сифатига жарҳ етган, санад табақасида ёлғиз бўлиб қолган ровийлардан ҳам ҳадис ривоятини келтирмаганлар. Имом Бухорий ҳадисларни устоз-ровийлардан қабул қилиб китобат қилишдаги шартлари ва талаблари бошқа муҳаддисларникидан анча каттиқ бўлган, ровийдан ҳадис қабул қилишда қатъий талабларни қўйган.

Муҳаддислар ўз асарларида тафсир ривоятларига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиб, тафсирга оид хабарларга кам жой ажратганларининг сабаби мазкур ривоятларнинг санади масаласига ҳассослик билан ёндашганликларида кўринади. Ибн Абу Ҳотимнинг “Тафсир”ига бағишланган тадқиқотда марфуъ бўлган тафсир ривоятларининг тўрт фоизи қабул қилингани ҳамда ривоятларнинг 22 фоизи саҳобий

сўзлари, 74 фоизи эса тобейй ва улардан кейинги даврдаги олимларнинг қарашлари экани аниқланган [13;100]. Шу жиҳатдан олиб қараганда, асарларнинг мазмунини марфуъ ривоятлар билан чеклаб баён этишни мақсад қилган учинчи аср мусаннифларининг тафсир ривоятларини кам нақл қилишлари оддий ҳол, деб қабул қилиниши мумкин. Аммо марфуъ бўлса-да, нақл қилинмаган айрим хабарлар бу мавзунинг бошқа бир жиҳатини мавжудлигига ишора қилади. Хусусан, тафсир ривоятларининг бошқа бир нақл аънарасига тааллуқли бўлиши ва муайян муҳаддисларнинг ҳадис усули мезонига кўра, заиф деб ҳисобланиши мумкин. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Уч хил китобнинг асли йўқ. Булар мағозий, малоҳим ва тафсир (китоблари)дир” мазмунидаги сўзларини Хатиб Бағдодий ушбу уч соҳадаги маълум китобларнинг заифлиги билан боғласа [14;162], Ибн Ҳанбалнинг бу соҳалардаги ривоятларни иснодсиз бўлиши жиҳатидан бошқа ҳадис соҳаларидан фарқли, деб билгани тушунилади.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бу ёндашуви Имом Шофеъийнинг (ваф. 204/820) “Тафсирга оид Ибн Аббосдан юзга яқин ҳадис ривоят қилган” деган гапи билан қўшиб мулоҳаза қилинганда, янада тушунарли бўлади [15;189]. Ибн Аббоснинг тафсирга оид қарашлари жуда ҳам кўп. Тафсир ривоятларининг умумий миқдорида нисбатан катта қисми, яъни саҳобийлардан нақл қилинган ривоятларнинг аксарияти Ибн Аббосга бориб тақалмоқда [16;142]. “Тафсири Табарий” бўйича олиб борилган тадқиқотларда Имом Табарий келтирган ривоятларнинг 16.6 фоизи Ибн Аббосга нисбат берилганини кўриш мумкин. Шофеъийнинг мазкур ифодаси тафсир ривоятлари ичида жиддий аҳамиятга эга бўлган Ибн Аббосдан ўзига хос талабларга жавоб берувчи маълум миқдордаги хабарлар қилганини кўрсатади [17;107]. Муҳаддислар томонидан Имом Ибн Ҳанбалнинг “Муснад”ида келтирилган тафсирга оид ривоятларнинг “асли йўқ” ёки “исноди йўқ” деб баҳоланиши муаллифнинг бу борадаги ўзига хос ёндашуви бўлганини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Ҳадис илмига оид асарларнинг аънавий тузилишини эътиборга олганда, Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ида

муаллифнинг шахсий қарашларини кўрсатиш имкониятларини ярата оладиган мусанниф эканини англаш мумкин. Имом Бухорий «Китоб ат-тафсир»да боб мавзуларида кўп тафсир ривоятларидан ташкил топган бир қатор маълумотларни келтириш ва ривоятлар мавзусига юзасидан шахсий қарашларини маълум бир даражада баён этиш орқали амалга оширган.

Имом Бухорий «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарида келтирган Қуръон оятлари тафсири, суралар фазилати, оятларнинг сабаби нузули, оятларнинг ўзаро муносабат илми, уларни саҳиҳ ҳадислар билан изоҳлашга оид ривоятлар таҳлилидан келиб чиқиб, ушбу асарни «тафсир бил-маъсур» нақлий тафсирга оид илк манбалардан бири сифатида қабул қилинишига асос бўлган. Бу эса ўз даври ва кейинги давр муҳаддислар учун ҳадис илмидаги янги бир ёндашувни юзага келишига замин яратган.

Адабиётлар рўйхати

1. Sandıkçı S. Kemal. İlk Üç Asırda İslâm Coğrafyasında hadis // DİB. – Ankara, 1991. – S. 447-448.
2. Ибн Абу Ҳотам Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. ал-Жарҳ ват-таъдил. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1953. – Ж. 5. – Б. 162.
3. Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий. – Т.: Hilol-nashr, 2013. – Ж. 1. – Б. 65.
4. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зуннун ан асомий ал-кутуб вал-фунун. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж. 1. – Б. 443.
5. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Холку афъал ал-бад. / Абдурахмон Умайра таҳқиқи. – Жидда: Дор ул-Укоз. – Б. 23.
6. Абу Бакр ибн Абдулраззоқ ибн Нофеъ Ал-Ҳумайрий. Тафсир Абдулраззоқ / Маҳмуд Муҳаммад Убда таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1419/1998.
7. Selim Türkan. İlk Dönem Kur'an Tasavvuru ve Dönüşümü. Kimlik ve Kitâb İlişkisi Bağlamında. – Ankara: AÜSBE, 2007. – S. 305–306.
8. Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Жомеъ ул баён ʻан таъвили айил-Қуръан./ Аҳмад Муҳаммад Шокир таҳқиқи. – Байрут: Муассасату-р-рисала. 1420/2000. – Ж. 19. – Б. 94-95.
9. Мужоҳид ибн Ҳажар. Тафсир ал-Имам Мужаҳид ибн Ҳажар. Дор ул-кутуб ал-илмия. – Байрут. 2005.
10. Sufyan ibn Said Sevriy. Tefsir us-Savriy. – Delhi: Rampor, 1965. – P. 16.
11. Абдураззоқ ибн Ҳаммом Саноний. Ал-Мусаннаф. – Қоҳира: Дор ат-таъсил, 2015. – Ж. 9. – Б. 78.
12. Абдуллоҳ ибн Абдуссомад Доримий. Муснад ад-Доримий.– ар-Риёд: Дор ал-Муғни, 2000. – Ж.4. – Б. 274.
13. Zişan Türkan. Üçüncü As ır Hadis Musannefât ı Üzerinde eş-Şâfiî'nin Etkisi // Hadis Tetkikleri Dergisi. C. VII/1, 2009. – S. 87–100.
14. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлақи-р-ровий ва адабу-с-сомеъ. /Маҳмуд Таҳхон таҳқиқи. – ар-Риёд: Мактабату-л-маориф, 1983. – Ж. 2. – Б. 162.
15. Суютий. Ал-Итқон. – Ж. 2. – Б. 189.
16. Herbert Berg. The Development of Exegesis in Early Islam. The Authenticity of Muslim Literature from the Formative Period, Richmond (Surrey). – Curzon, 2000. – P. 142.
17. İsmail Cerrahoğlu. Tefsir Tarihi. DİB. – Ankara: Yay, 1988. – C. I. – S. 107.